

Спорт дунёсига, спорт тарбиясига хос эзгу фазилатлар халқимизнинг генетик кодида азал-азалдан мавжуд, десам, янглишмаган бўламан. Бундай хусусиятлар спортчиларимизнинг жаҳон ареналарини забт этишида катта тажриба, маҳорат ва илҳом мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЗАМОНАВИЙ СПОРТ МАСКАНИ

ДАВЛАТИМИЗ РАЎБАРИНИНГ ТОПШИРИГИ АСОСИДА БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ СОЙЛИҚ ҚИШЛОҒИДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТОМОНИДАН БУНЁД ЭТИЛГАН АКБАР ЖЎРАЕВ ОҒИР АТЛЕТИКА СПОРТ МАКТАБИ ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ



### ОРЗУЛАР РЎЁБГА АЙЛАНГАН МАНЗИЛ

Шукур, Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Айниқса, ҳозирги таҳликали даврда осойишталик ва хотиржамлик қадрини, унинг бебахо неъмат эканини теран англаб етганимиз. Тинч ва осуда юртга эса тўю тантана, бунёдкорлик ишлари олтин узукка қўйилган олмос кўздек ярашади.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида, гўзал тоғлар қўйнида жойлашган, халқ орасида «Ўзбекистон Швейцарияси», деб таърифланган ушбу ҳудудда яна бир муҳим иншоот – Акбар Жўраев оғир атлетика спорт мактаби фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда ижодкор зиёлилар, фахрийлар, спортчилар, жамоатчилик фаоллари жам бўлишди. Дастлаб Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов

сўзга чиқиб, кейинги йилларда мамлакатимизда инсон қадрини улуглаш йўлида Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кенг қўламли ишларни, айниқса, спортга берилган эътибор ва имкониятларни алоҳида таъкидлади. Соёлиқликларни янги иншоот билан қўлади. Нурунийлар эса янги мактабдан келажакда юртимиз довруғини дунёга танитадиган Акбар Жўраев сингари таниқли спортчилар этишиб чиқишини тилашди.

2 >>

### Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Қудратилла Рафиқовнинг Акбар Жўраев оғир атлетика спорт мактаби очилиши маросимида сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, ҳурматли меҳмонлар, азиз дўстлар, қадрли тадбир иштирокчилари!

Наврўзи олам ва муборак Рамазон ҳайити шуқуҳи кезиб юрган ушбу қутлуг кунларда сизлар билан юртимизнинг энг сўлим масканларидан бири – Бўстонлик туманида учрашиб турганимиздан бағоят мамнунмиз.

Сўнги кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентини, муҳтарам Шавкат Миромонович Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеалар юз берди.

Биринчидан, Тошкент вилоятида гигант лойиҳа – Олмалик кон-металлургия комбинатида 3-мис бойитиш фабрикаси ишга туширилди.

Иккинчидан, Тошкент шаҳрида уч минг йиллик шонли тарихимизни ўзида мужжасам этган, Янги Ўзбекистон салоҳияти ва буюк қудратидан далолат берувчи Ислом цивилизацияси маркази очилди.

Ушбу мухташам иншоот халқаро экспертлар томонидан юксак даражада эътироф этилаётгани, «Гиннесснинг рекордлар китоби»га киритишга муносиб экани таъкидланаётгани ва дунёнинг саккизинчи мўъжизасига қиёсланаётгани ҳар бир юртдошимиз қалбида катта ифтихор туйғуларини жўш урдирмоқда.

Учинчидан, Самарқанд вилоятида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси қайта бунёд этилиб, зиёратчилар учун ўз эшиklarини очди.

Албатта, бундай улугвор ишлар умрини шу азиз Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун бахшида этаётган буюк раҳбаримиз ва Йўлбошчимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг хизматлари самарасидир.

Азиз юртдошлар!

Бугун биз, юқоридаги эзгу ва хайрли ишларнинг мантқиқий давоми сифатида Бўстонлик туманида юз кўришиб турибмиз. Гўзал тоғлар қўйнида жойлашган ушбу замин халқимиз орасида Ўзбекистоннинг энг сўлим гўшаларидан бири сифатида эътироф этилади. Бу – бежиз эмас. Зотан, Бўстонлик чин маънода Она табиат мўъжизасидир.

Ҳақиқатан ҳам, кўзларимизни қувнатиб турган бундай мафтункор ва бетакрор гўзаллик дунёнинг яна қаерида бор?! Соёлиқ қишлоғи номи ҳам тилларда дoston бўлган масканлардан бири, десам, янглишмаган бўламан. Қишлоқ ўтмиши асрларга туташ бўлиб, улуг алломалар, буюк аждодларимиз номлари билан узвий боғлиқ.

Бу табаррук замин XV асрда Нақшбандия тараққийнинг йирик намояндаларидан бири – Хожа Ахрор Валийнинг вақф ерлари бўлган. Шундай улуг авлиё боболаримизнинг назари, меҳри тушган бу маскан бугун ҳам муҳтарам Юртбошимизнинг доимий эътиборида.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз илм-фанига катта ҳисса қўшган Абдушукур Хонназаров, Фаттоҳ Баратов, Элчи Файзибоев, Фатхулла Мираҳмедов, Абдуҳаким Баратов, Ўқтам Прагов каби забардаст илм ва фан кишилари қамол топишган.

Соёлиқ ўғлонлари илм-фан билан биргалликда, спортда ҳам дунёда тенгсиз эканликларини кўп бор исботлашган. Зеро, оғир атлетика бўйича 2021 йилда жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Дoston Ёқубов, Олимпиада рекордчиси, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби, уч қарра жаҳон чемпиони, касба уюшмалари спортчиси Акбар Жўраев каби



афсонавий спортчиларимизни бугунги кунда бутун дунё танийди ва тан олади.

Бундай юксак натижа давлатимиз раҳбарининг спортчимиз Акбар Жўраев билан бўлиб ўтган учрашувида ҳам алоҳида эътироф этилди.


Фурсатдан фойдаланиб, энг аввало, бундай мард ва жасур фарзандларни тарбиялаган спортчиларимизнинг ота-оналарига, қолаверса, устоз ва мураббийларига

чуқур ҳурмат ва эҳтиромимизни билдираман.

Азиз дўстлар! Бугун муҳтарам Президентимиз бошчилигида «Инсон қадри учун» деган улуг ғоя асосида амалга оширилаётган миллатпарвар сиёсат, халқимиз фаровонлигини ошириш, турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган инсонпарвар ғоялар ҳеч бир юртдошимизни бефарқ қолдирмайди.

2 >>

Ishonch.uzning Telegramdagi saҳifasiga ўтинг ва шу мавзудаги хабарлар билан янада батафсилроқ танишинг:



Бийиклик келди ҳимматдин нишона,  
Ки, ҳимматсизни паст этди замона.  
Алишер Навоий

# Янги Ўзбекистондаги замонавий спорт маскани

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ТОПШИРИГИ АСОСИДА БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ СОЙЛИҚ ҚИШЛОҒИДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТОМОНИДАН БУНЁД ЭТИЛГАН АКБАР ЖЎРАЕВ ОҒИР АТЛЕТИКА СПОРТ МАКТАБИ ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Қудратилла Рафиқовнинг Акбар Жўраев оғир атлетика спорт мактаби очилиши маросимида сўзлаган нутқи

&lt;&lt; 1

Шахсан давлатимиз раҳбарининг топшириғи асосида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан қуриб фойдаланишга топширилаётган Акбар Жўраев оғир атлетика спорт мактаби ҳам ана шундай эзгу йўлнинг амалий самарасидир.

Бундан атиги 10 йил олдин марказдан олис, тоғлар орасидаги бу қишлоқда жаҳон стандартидаги шундай мухташам спорт мажмуаси барпо этилади, десақ, ким ишонар эди?! Ўйлайманки, ҳеч ким!

Бундай меҳр ва эътибор, яратиб берилган имкониятлар кадр-қийматини ўта оғир вазиятда, спортнинг ушбу тури билан шуғулланиши учун деярли шарт-шароити бўлмаган кичкина ва тор бинода тарбияланган Акбар Жўраев ва у каби спортчилар, айниқса, жуда яхши англаб, юракдан ҳис қилиб турганига шубҳа йўқ.

Дарҳақиқат, қачонлардир сизу биз кўриб турган ушбу спорт кошонаси фақатгина орзу эди. Бугуннинг кечадан фарқи шундаки, энди орзулар ҳақиқатга айланмоқда.

Юраги Юртим деб урадиган, билагини кучга, қалби ғайратга тўла, кўзидан ўт қачнаб турган Акбар каби фарзандларимизга ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши учун чекка қишлоқларда ҳам барча шароитлар яратиб берилаётгани ва бу ишларда бизнинг ҳам озми-кўпми ҳиссамиз қўшилаётганидан гоят хурсандимиз.

Қадрли меҳмонлар! Қисқа фурсатда бунёд этилган ушбу спорт мажмуасида барча зарур шароит ва қулайликлар яратилган бўлиб, объектга касаба уюшмалари томонидан қарийб 25 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Янги Ўзбекистонимизда ягона бўлган ушбу оғир атлетика мактаби замон талабларига мос спорт зали, машғулотлар учун 3 та хона, жисмоний чиниқиш учун стадион, мажлислар зали, услубчилар хонаси, ётоқ биноси ва ошхоналардан иборат бўлиб, улар атлетларимиз учун нафақат шуғулланиш, балки ўз маҳоратлари ва назарий билимларини мустақамлаш имконини ҳам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жо-

изки, мактаб энг замонавий спорт анжомлари, ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган.

Ҳурматли дўстлар! Фурсатдан фойдаланиб, ушбу мажмуанинг бунёд этилишида ўзининг доимий эътибори билан бизга беғараз кўмагини аямаган хурматли Тошкент вилояти ҳокими Зоир Мирзаевга чуқур миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Шунингдек, бизга доимий елкадош бўлиб келган Бўстонлиқ тумани ҳокими Жўрабек Аҳмедовга, қолаверса, касаба уюшмаларининг Ҳайдар Фозилов раҳбарлигидаги етук лойиҳачилари ва забардаст қурувчиларига сизларнинг ҳамда ўз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга руҳсат бергайсизлар.

Ушбу мактабда тарбия топадиган ёшларимиз келгусида Она юртимиз шарафини халқаро аренада муносиб ҳимоя қиладиган, Ватанимиз байроғини баланд кўтарадиган спортчилар бўлиб камол топадилар.

Ишончим комилки, бу масканда Акбар Жўраевнинг муносиб

издошлари, Янги Ўзбекистонимизнинг Янги олтин авлод спорт юлдузлари етишиб чиқади.

Азиз дўстлар! Менинг назаримда, Янги Ўзбекистон бунёдкори, мухташам Президентимиз Шавкат Миромоновичнинг тарихий хизматларидан бири шундаки, Юрт Отаси шу азиз халқ фарзандларининг ҳар бир жабҳада дунёга чиқиши, ўз сўзини айтиши, ўз маҳорати ва билимини намоян этишига эришиш, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг асрий орзуларини ушлатиришни истамоқда.

Юртни севиш, унга жонни фидо қилишда йўлбошчимиз ҳар биримизга ибрат намунасини кўрсатиб келмоқдалар. Биз шундай халқларвар Юртбошимиз билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди!

Бундай эзгу мақсадлар йўлида тиним билмаётган мард ва шижоатли, мухташам Президентимиз Шавкат Миромоновичга барчамизнинг номимиздан мустаҳкам соғлиқ, юксак марраларга эришишда Аллоҳдан куч-қувват тилашга ижозат бергайсизлар!

Эътиборингиз учун раҳмат!

Дил сўзлари

## Юртимиз спортчилари янада юксак чўққиларни забт этади



**Зоир МИРЗАЕВ,**  
Тошкент вилояти ҳокими:

– Мамлакатимизда барча соҳалар қатори спортга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунинг самараси эса бугун яққол намоян бўляпти. Айниқса, машҳур спортчилар номида мактаблар очилаётгани катта аҳамиятга эга. Бу нафақат ёшлар учун имконият, балки соҳада соғлом рақобатни кучайтириб, натижадорликни оширади. Рақобат бор жойда эса,

албатта, ўсиш бўлади. Акбар Жўраев мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин. Унинг ютуқлари ортидан бугун мингларча ёшлар оғир атлетикага қизиқиш билдирмоқда. Айни пайтда вилоят бўйича 500 нафарга яқин ўғил-қиз айнан шу спорт тури билан шуғулланишяпти. Шундан эллик нафари терма жамоа аъзоси. Келгусида бу кўрсаткич бир неча баробарга ошиши кутилмоқда.

Муҳими, спортда ҳалоллик ва адолат қарор топаётгани қувонарли. Чунки айнан шу омиллар орқали ҳақиқий чемпионлар етишиб чиқади. Шундай экан, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳар бир ёш ўз олдига юксак мақсад қўйса, юртимиз спорти янада юксак чўққиларни забт этиши шубҳасиз.

## Бу катта бахт ва шараф

– Шундай дорилармон кунларда инсоннинг дилига фақат яхши ниятлар, дуолар келади. Дуо билан эл кўкараб, деб бежиз айтишмайди. Буни қарангки, Акбаржон оддий оилада вояга етиб, бугун дунёга Ватанимиз довуғини таратди. Шубҳасиз, бу даражага бобо-буваларининг, ота-онаниннинг дуолари билан эришди. Пок ниятлар уни элга танитди, ҳамманиннг полвоғига айланди. Бу катта бахт ва шараф.

Бугунги тинчлик учун, юртимизда яратилаётган шароитлар, халқимиз бахти



**Маҳмуд ТОИР,**  
Ўзбекистон халқ шоири:

учун шуқур қилишимиз керак. Яхшилар юрти омон бўлсин. Ҳар бир хонадонда барока, ҳар бир фарзанда дуо ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.

## Бирдамлик ва ишонч самараси



**Абдуҳошим МУТАЛОВ,**  
меҳнат фахрийси:

– Бу кунларга осонликча етиб келганимиз йўқ. Имкониятлар кўламини ниҳоятда кенг. Илгарилари битта объект қуриш учун йиллаб вақт сарфланган бўлса, ҳозир кўп вақт сарфланган бўлса, ҳозир зир қисқа фурсат ичида бу-

нинг урдасидан чиқиш мумкин. Фақат хоҳиш ва ирода бўлса, кифоя. Юртимиз жадал суръатлар билан ўзгариб бормоқда. Бу – бирдамлик ва ишонч самараси.

Мустақилликнинг илк йилларини эсласак, спортчиларни қайси бир мусобақага юбориш учун оддий экипировка олишга ҳам имкониятимиз чекланган эди. Шунинг учун бугунги ёшлар ҳар бир яратилган шароит, ҳар бир қилинган ишнинг қадрига етиши керак. Зеро, неъматлар қадрланган жойда барока бўлади. Шу йўлдан оғинмай, имкониятларни англаб яшасак, янада катта ютуқларга эришамиз.

## Бу мактабдан ҳали кўп чемпионлар чиқади

– Спортчиларга яратилаётган шароитлар, уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва рағбат учун Юртбошимизга ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбариятига катта раҳмат айтман. Ўғлимнинг номига атаб, очилган ушбу мактабдан кўп чемпионлар етишиб чиқишига ишонаман. Фарзандим оғир шароитда шуғулланиб, шу даражага етди. Раҳматли дадаси билан ўғлимизга «Бир кун келиб, албатта, олимпиада чемпиони бўласан, Ўзбекистон байроғини кўкка кўтарасан», дея далда берардик. Мана, ниятларимиз рўёбини кўряпмиз.



**Ҳафиза НОРМЕТОВА,**  
Акбар Жўраевнинг онаси:

Ўғлимнинг издошларига мана шундай замонавий иншоотларда ўз устида ишлаб, юксак марраларни забт этишини тилаб қолам.

# ОРЗУЛАР РЎЁБГА АЙЛАНГАН МАНЗИЛ



налар, ётоқхона ва ошхона каби барча зарур инфратузилма яратилган. Бу чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш, уларни спортга жалб қилиш ва иқтидорини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Олимпия рекордчиси, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби, уч қарра жаҳон чемпиони, касаба уюшмаси спортчиси Акбар Жўраев каби афсонавий спортчиларимизни бугунги кунда бутун дунё танийди ва тан олади.

– Тинимсиз ўз устимизда ишладик. Қийин вазиятларда ҳам ортага чекинмадик. Шуқур, шу даражага етдик. Камтарона меҳнатларимизни қадрлаб, замонавий мактаб қурилишида бош-қош бўлган мутасаддиларга ташаккур.

Насиб этса, бу даргоҳдан мендан ҳам кучли чемпионлар етишиб чиқади. Келгуси мусобақаларда ҳам голиб бўлиб, мамлакатимиз байроғини баланд кўтаришга астойдил ҳаракат қиламиз. Бизга билдирилган ишонччи оқлаймиз, – деди Акбар Жўраев.

Бундан ўн йиллар олдин тоғли ва чекка ҳудудда жаҳон стандартларига жавоб берадиган бундай мажмуа қурилиши кўпчилик учун ушалмас орзудек туюларди. Бугун ўша орзулар амалга ошди.

Спорт мактаби келгусида янги чемпионлар, Ватанимиз байроғини халқаро аренада янада баланд кўтарадиган ёшларни тарбиялайдиган муҳим масканга айланиши шубҳасиз. Зеро, Акбар Жўраевнинг муносиб издошлари айнан шу ерда шаклланиши, Янги Ўзбекистоннинг янги олтин авлоди етишиб чиқиши учун замин ҳозирланди.

Мухтасар айтганда, Соёликда бунёд этилган мазкур иншоот нафақат бир ҳудуд ёки бир соҳа ютуғи, балки мамлакатимизда инсон қадрини улуглаш, ёшларга кенг имкониятлар яратиш йўлида олиб борилаётган изчил сиёсатнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ**  
«ISHONCH»  
Эъзоза УМРЗОҚОВА  
олган суратлар

&lt;&lt; 1

Шундан сўнг тантанали равишда ленталар кесилиб, Акбар Жўраевга мактабнинг рамзий калити топширилди.

Акбар Жўраев оғир атлетика спорт мактаби Президентимиз ташаббуси

билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мажмуа замонавий талабларга тўлиқ жавоб беради. Унда кенг ва қулай спорт зали, бир неча машғулот хоналари, стадион, мажлислар зали, методик хо-



Аминманки, бу даргоҳни зиёрат қилиб, унинг маънавий муҳитидан баҳраманд бўлган инсон, айниқса, ёшлар ислом динининг асл маъносини англаб етади, тўғри йўлдан адашмайди.

Шавкат Мирзиёев

Ташрифдан сўнг

# САМАРҚАНДГА

## ҚАЙТТАН ТАМАДДУН



Аллома Абу Хожа Тоҳирий бир неча аср илгари «Агар бойлик истасанг, Ҳиндистонга бор, агар илм истасанг, Маккага бор, агар ҳар иккаласини истасанг, Самарқандга кел», деган гаплар бугун чин ҳақиқатга айланган.

Ислом оламининг нуфузли шахсларидан бири бўлмиш Имом ал-Бухорий бобомиз хоки-пойларига бориб, дарё-дарё кўз ёшларини оқизиб қайтган шайх Надим ал-Жиср ҳаёт бўлганида тарихий хотиранинг тикланишидан, миллий ғурурнинг бу шижоатидан қалбда қандай ҳис туярди... Буни тасаввур қилиш қийин. Бугун биз салкам бир юз ўттиз йиллик мустақиллик туғи остида яшаган халқимиз ҳаёлига ҳам келтирмаган ишларнинг шохиди бўлиб турибмиз. Айтиш мумкинки, Президентимизнинг кўхна диёрга бу галги ташрифи тарихга алоҳида солнома бўлиб билажак.

Самарқандни йирик мегаполисга айлантириш ҳаракати баробарида яшил майдонларни кўпайтириш, янги боғ ва хиёбонлар барпо этиш, аҳоли учун дам олиш масканлари яратиш шунчаки орзу эмасди. «Ёшлар креатив парки»га тамал тоши қўйилиши эса «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг узвий қисми бўлди, десак, адашмаймиз. Эътиборли томони, бу гўша фақат ҳордиқ чиқариш маскани эмас, балки ахборот технологиялари соҳаси ва спорт билан шуғулланиш, стартап лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳам жуда қулай жой ҳисобланади. Қолаверса, болалар аттракционлари, фитнес заллари, теннис кортлари, воркаут ва мини-гольф майдонлари барпо этилган.

Набираларим шахматга қизиқади, – дейди меҳнат фахрийси Бахтиёр Тошев. – Спортнинг бу турини ривожлантириш учун ҳам янги боғда барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, вилоят Шахмат федерацияси шу ерга кўчирилиши айна муд-до бўлди. Шунингдек, боғда нурунийлар ўзаро гурунлашиб ўтириши учун ўндан ортиқ айвончалар қурилган.

Лойиҳа доирасида Марказий Осиё минтақасида биринчи бор «Tels» имтиҳон маркази айнан Самарқандда иш бошлаётгани тарихий қадамдир. Энди марказда ёшлар немис тилини ўрганиб, халқаро «Tels» сертификатини ҳам, кейинчалик дуал касбий таълимни Германияда давом эттириши ва бандликларини таъминлашлари мумкин.

Ҳа, дунё Самарқандга интилоқда. Ташриф буюрувчилар сони йил сайин ортиб бораётгани сўзмиш исботи. Бир пайтлар 50 минг нафар туристга хизмат кўрсатишни аранг эплаган инфратузилма бугун тубдан янгиланди. Натижада кўхна диёрга бутлур уч миллион нафарга яқин хоржий сайёҳ ташриф буюрди.

Ҳозирги вазият жамоат транспортини тизимли ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Шу боис экологияга зарар етказмайдиган жамоат транспортдан фойдаланишни йўлга қўйиш алақачон бошлаб юборилган. Хусусан, давлат томонидан белгиланган лойиҳа доирасида 9 та йўналишда брутто-шартнома асосида электробуслар хизмати йўлга қўйилди. Иккинчи босқичда яна 250 та электробус харид қилиниши режалаштирилган. Улар учун 4 гектарлик автосарой ташкил этилган бўлиб, у ерда бир вақтнинг ўзида 50 та транспорт воситасини қувватлаш станцияси, техник хизмат кўрсатиш ва мобил таъмирлаш имкониятлари мавжуд. Саёҳат-ҳаракатлар натижасида 32 минг литр ёнилги тежалди ва зарарли газлар 27 тоннага камайди.

Айни пайтда автосаройда 265 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Улар учун хавфсиз, кафолатланган иш муҳити яратилган. Истиқболда янги экологик тоза транспорт воситалари келтирилиши эвазига яна 500 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда, – дейди Индустрия, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари қасаба уюшмасининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси Карим Бобоев. – Шаҳарда транспорт воситаларининг эркин ҳаракатланишини таъминлаш, тирбандликларнинг олдини олиш чоралари ҳам қўйилган. Гагарин ва Рудакий кўчалари кесимида барпо этилган йўл ўтказгич аҳоли ва меҳмонларга кенг имконият яратди. 600 метр узунликка

эга, бир кунда ўртача 50 мингта транспорт воситасини ўтказишга мўлжалланган ерости ўтиш йўли қурилиши нияҳосига етмоқда.

Самарқандда деҳқончиликда замонавий технологиялардан фойдаланиш алақачон урфга кириб улгурган. Масалан, кўклам неъматги бўлмиш кулп-найни йил давомида дастурхонга тортиш мумкин. Бу тажриба Нарпай ва Каттакўрғон туманларида кўп йиллардан буён қўлланиб келинмоқда. Жумладан, «Нарпай кулпнай» корхонаси инновацион изланишлари орқали юқори самарадорликка эришмоқда. Бир гектар ерга 650 минг доллар сармога қилтирган тадбиркор гидропоник усулда йилга 50 тонна кулпнай етиштирмоқда.

– Бу услубнинг афзалликлари беқиёс. Тупроқдан фойдаланмаслик натижасида сув сарфи 80 фоизгача камайдди. Қолаверса, ўсимликда касал-лих шавфи паст бўлиб, кимёвий воситаларга эҳтиёж деярли сезилмайди, – дейди тадбиркор Маъруф Уринбоев. – Ёмғир сувини тўплаш ва ундан самарали фойдаланиш учун катта сизимли сув ҳавзаси барпо этдик. Гидропоник автоматлаштирилган ускуналар, тежамкор ёритиш тизимлари орқали ишлаб чиқариш харажатлари минимал даражада камайдди. Давлат раҳбарининг бу галги ташрифидан сўнг ер майдонларимиз кенгайиши ва тажрибамиз оммалашини учун замин ҳозирланди.

Нарпай туманига буюк саркарда Жалолоддин Манғуберди номи билан аталган, тонфа сизими 390 нафар кишига мўлжалланган, соатига 260 километр тезликка ҳаракатлана оладиган янги поездда йўл олган Президентимиз сафар чоғида вилоят фалолари, меҳнат фахрийлари, илғор ёшлар билан мулоқот қилди. Чикиндизис технология тамойили асосида иш олиб бораётган «Мароқанд сифат» кластери корхонаси фаолияти билан танишди. Эътиборли томони, кластер пахта етиштиришдан тортиб, уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантиришга бўлган қувватга эга. Мато қолдиқлари чиқтиқа чиқариб юборилмасдан юқори тезликда ишловчи ускуналар орқали қайта ишланиб, ип-калава ҳолатига келтирилади. Йиллик тола ишлаб чиқариш қуввати 5 минг тоннани ташкил этмоқда. Корхонада доимий миңг, мавсумий уч миңг нафар аҳоли бандлиги таъминланган.

Дарҳақиқат, Рамазон охири, Наврўз айёми арафасида Самарқанд хайрат оғушида қолди. Шу чоққача бутун ислом оламида «Муҳаддислар султони» номи билан танилган Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий бобомиз ёдгорлик мажмуасидан кўнглимиз тўлмаётганди. Бугун эса бу ерда бўлган киши умрини илмга, айниқса, ислом илмига бағишлаган аллома хотирасини унинг салоҳиятига муносиб тарзда қайтадан бунёд этиш фикри давлат раҳбарига тинчлик бермаганини ич-ичидан ҳис қилиши аниқ. Муқаддас қадамжодан таралаётган нур бутун худуднинг кўркам қиёфасида акс этиб турибди.

– Дунё мусулмонлари талпинадиган ушбу муқаддас маскани кўзларига тўтиё қилиш орзусидаги одамлар ер юзюда оз эмас, – дейди Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси Сўҳроб Рафиқов. – Қурувчи сифатида айтишнинг мумкинки, зиёратгоҳ муҳаддис бобомизнинг маънавий мероси ва ислом дини олдидаги мавқеига сира ҳам мос тушмаётганди. Негаки, ташриф буюрувчилар сони йил сайин ортиши боис зиёратчи ва сайёҳларни қабул қилиш инфратузилмасида жиддий ноқулайликлар қузатилаётганди. Президентимизнинг ташаббуси ва саёҳат-ҳаракати билан 2019 йили бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Дастлаб Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис илми мактаби ташкил этилиб, ҳазрат қолдирган маънавий мерос тадқиқ қилинди. Кейинги етти-саккиз йилда кенг қўламли қурилиш ишлари амалга оширилди.

Умумий майдони 63,2 гектарни ташкил этувчи зиёратгоҳ ҳудудида барча иншоотлар ягона меъморий ва маънавий ғоя асосида бирлаштирилди. Илгари 10-12 миңг зиёратчини қабул қилиш имкониятига эга мажмуа энди 65 миңг нафаргача

меҳмонга халқаро стандартларга мос равишда хизмат кўрсата олади. Авваллари Имом Бухорийнинг қабри мақбара остидаги кичик бир хона бўлиб, бу ерга атиги беш-олти киши сизарди, холос. Ҳозир эса қабр атрофида юзлаб меҳмонлар тиловат қилишлари мумкин. Кириш-чиқишни таъминловчи диаметри 17 метрлик айвонлар алоҳида уйғунлик касб этади. Фасад Snow White Thassos (Греция) – Тасос оролидан келтирилган оқ мрамрлар билан қопланган. Уларнинг хусусияти шундаки, ҳатто жазирама кунларда ҳам паст ҳароратни сақлаб қолиб, бино ичига иссиқлик ўтишини сезиларли даражада камайтиради.

Бир вақтнинг ўзида ўн миңг киши намоз ўқиши мумкин бўлган масжидда ҳам шарқона оҳанг муҳассам. Ички қисми ва устунлар учун Аган White (Туркия) тоши танланган бўлиб, миллий услубда нафис ўймакорлик наўжиза ишланган.

– Маҳалламиз маўъжиза шаҳарчага айланди-қолди. Худудда уч ва тўрт юлдузли 20 та замонавий меҳмонхона, 10 га яқин ресторон ва ошхоналар, 4 та автотураргоҳ, 100 га яқин савдо шохобчалари, 40 га яқин электромобилларни қувватлаш нуқталари барпо этилди. Муқаддас қадамжо шарофати билан худудда яшовчи 8 миңдан зиёд аҳоли доимий ишли бўлди, – дейди «Хўжа Исмоил» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жамол Нарзиёв. – Шунингдек, бешта қишлоқнинг коммуниқация тизими тўлиқ янгиланди. Йўл ва кўприклар қурилди. 18 та кўп қаватли уй, савдо ва сервисда қурилиш ишлари давом этмоқда.

Умуман олганда, буюк алломалар қадами теккан ушбу заминнинг дунёга юзланиши тобора жадаллашиб бормоқда. Айни пайтда яна бир улғу бобокалонимиз – калом илмида мотуридия оқимининг асосчиси, Ислом оламида Имом-ул-Худо (Ҳидоят имоми) деб танилган буюк лойиҳаёт олими, фақиҳ, шайх Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий мажмуасида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Хабарингиз бор, ақида илми асосчиси Мотуридий таваллудининг 1155 йиллиги кенг нишонланиб, Чоқардиза қабристонидидаги аллома мажмуасида қайта таъмирлаш ишлари бошланган эди. Умумий майдони 10,2 гектарга эга зиёратгоҳ қайта қурилиб, масжид тубдан янгиланмоқда, кириш пештоқи, илмий марказ, кутубхона, музей ва автотураргоҳ қурилиши поёнига етмоқда. Бунёдкорлик ишлари «Умумжаҳон маданияти ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги конвенция талаблари асосида халқаро мутахассислар иштирокидида олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Даҳбед шаҳарчасида 1618 йили Самарқанд хокими Баҳодир Ялангтўш томонидан бунёд этилган нақшбандия тарикатининг раҳнамоси ва назарий-чиқариладан бири (ислом оламида Имомлар имоми мақоми билан танилган) Ҳазрат Маҳдуми Аъзам номидаги қадамжода таъмирлаш ишлари кетмоқда. Афсуски, бу маскан кўп йиллар эътибордан четда қолди. 2025 йилга келиб, бу муаммо ҳам ижобий ечим топди. Режадаги вазифалар бажарилгач, мазкур масканда бир вақтнинг ўзида 2 миңг нафар намозхон ибодат қилиш имкониятига эга бўлади.

Сирасини айтганда, Самарқанд вилояти тамаддунда эришган аввалги мавқеидан кам бўлмаган даражада сайқал топмоқда. Зеро, кўхна кентдаги кенг қўламли бунёдкорлик ишларини бир мақолада баён этишининг иложи йўқ.

Дунёни ҳадиқ, хавотир чулганга, алақарларда эртанги кунга умид тобора мўртлашиб, ишонч сўни бораётган бир даврда муқаддас заминимизда тинчлик, хотиржамлик ҳукм сурмоқда. Эртасидан кўнгли тўқ авлод эса Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамоллигида она Ватанимизни билим ва маърифат диёри сифатида оламга танитиш ҳаракатида.

Нурилла ШАМСИЕВ  
«ISHONCH»

Таҳлил

Бугун юртимизда тадбиркорлик шунчаки фаолият эмас, балки иқтисодий ҳаракатга келтирилган асосий кучга айланган. Бу эса, энг аввало, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасидир. Соғлом рақобат муҳити, қулай шарт-шароитлар ва кенг имкониятлар тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига йўл очди.

## КИЧИК БИЗНЕС – КАТТА ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Сўнгги беш йилда бу соҳадаги ўзгаришлар ҳар бир рақамда яққол кўринди. Хусусан, кичик ва ўрта тадбиркорлар сони икки баробарга ошди. Бугунги кунда иш билан банд аҳолининг қарийб 11 миллион нафари, яъни 74 фоизи айнан шу соҳада меҳнат қилиб, рўзгор тебратмоқда. Аҳоли даромадларининг 58 фоизи ҳам кичик бизнес ҳиссасига тўғри келаётгани бу соҳа ўта муҳим эканидан далолат бермоқда.

2026 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда 1 миллион 200 миңдан ортиқ кичик тадбиркорлик субъекти фаолият юритяпти. Уларнинг қарийб ярмини корхона ва фермер хўжаликлари ташкил этса, қолган қисми яқка тартибдаги тадбиркорлар, оилавий бизнес ва хунармандлар ҳиссасига тўғри келяпти. Бу эса тадбиркорлик нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам кенг қўлач ёйганини англатади.

Кичик бизнеснинг иқтисодий ўрни тобора мустаҳкамланмоқда. Масалан, 2025 йил якунларига кўра, ялпи ички маҳсулотнинг 52 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келган. Бу 2021 йилга нисбатан қарийб икки баробар кўп демакдир. Айниқса, қишлоқ хўжалигида 90 фоиздан зиёд, қурилишда 70 фоиздан ортиқ улшга эгалити кичик бизнеснинг фаол эканини кўрсатмоқда.

Саноат, хизматлар ва инвестициялар соҳасида ҳам ўсиш юқори. Сўнгги йилларда кичик бизнес томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми уч баробарга ошди. Қурилиш ишлари, хизмат кўрсатиш ва инвестиция жалб қилиш кичик бизнеснинг асосий драйвер бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Иқтисодийта 50 миңлиқ доллардан зиёд хоржий инвестиция жалб қилиш, хизматлар бозорини 100 миңлиқ доллар етказиш каби мақсадлар ҳам айнан тадбиркорлик ривожини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. 10 миңдан ортиқ лойиҳани амалиётга татбиқ этиш учун катта миқдорда кредит ва бюджет маблағлари йўналтирилаётгани бунинг яққол исботидир.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик учун яратилаётган имкониятлар қанчалик кенг бўлса, ишлаб чиқариш ҳам, сифат ҳам, аҳоли даромади ҳам шунчалик ортиб бораверади. Энг муҳими, бу жа-раён юртимизда фаровон ҳаёт, кучли иқтисодий ва барқарор тараққиёт учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Зеро, кичик бизнес бу фақат иқтисодий кўрсаткич эмас, балки халқ фаровонлигининг энг ишончли таянчидир.

Қобил ТУРСУНОВ,  
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, адабиётшунос

Аҳмад ОТАВОЙ  
вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Донишмандлик бизга ҳаёт сўқмоқларида улғу саодатни ҳозирлаб инъом этувчи воситадир.

Абу Али ибн Сино

Тақдимот

# ДАВР СУРАТИ ВА СУРЪАТИ АКС ЭТГАН ТЎПЛАМ

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти томонидан нашр этилган «Саккизинчи мўъжиза» китобининг тақдими бўлиб ўтди



Айрим китобларда тарихий, айримларида ҳаётини хулосалар акс этади. Улардан фарқли равишда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти томонидан тайёрланган публицистик тўпلامда давр юраги, жамият овози, зиёлиларнинг нодир фикрлари жамланган. Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган «Саккизинчи мўъжиза» китобининг тақдимида уни ўқиганлар ана шундай хулосаларни айтишди.

Газетачиликда асосий мақсад фақатгина ахборот етказиш эмас, балки жамиятни ўйлашга, таҳлил қилишга ва савол беришга ундашдир. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари эса йиллар давомида ана шу масъулиятни елкасида қўтариб келаётган нашрлардан бири. «Саккизинчи мўъжиза» 2025 йилда уларда чоп этилган сара мақолалар жамланган тўпلام бўлиб, энг муҳим воқеа-ҳодисалардан тортиб, жамиятни ўйлантирган муаммолар, уларга журналистларнинг ёндашуви, масъуллар бу чиқишларга қай даражада эътибор қилганини кўришингиз мумкин.

Китоб тақдимида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори, сенатор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Абдусанд Кўчимов, адабиётшунос Қозоқбой Йўлдош, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Аҳмадjon Мелибоев, Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Фарида Афрўз ва бошқа кўплаб адиб ва ижодкорлар, газета мухлислари ҳамда марказий нашрлар бош муҳаррирлари иштирок этдилар.

Тўпلامни varaқлар эканман, тахририятда танқид ва таҳлил уйғунлашгани, жойларда учраётган муаммолар далил-исботи ва фактлар билан қўтарилганига амин бўлдим, – дейди Қозоқбой Йўлдош. – Масалан, Хусан Эрматовнинг «Мақсад нечоғлиқ мантиқий?»

Жаҳонгир Наҳоновнинг «Ғоялар майдонидаги бўшиқ», Дармон Ибрагимовнинг «Пластикка айланган одам», Машхура Жўракулованинг «Z авлод қаршисида», Нурилло Нўъмоновнинг «Тежамаганинг таги танг» каби мақолаларида мавжуд муаммолар бор бўйи ва қўлами билан очиб берилганига амин бўлдим.

Китобдан тахририятда ижод қилаётган журналистлар билан бир қаторда, таниқли сиёсатшунос, сенатор Қудратилла Рафиқовнинг Янги Ўзбекистондаги бутунги ўзгаришлар, тарихга муносабат, келажакка иншонч, ислохотлар самаралари, Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик ришталари мустақамлашиб бораётгани ҳақидаги таҳлилий мақолалари, шунингдек, Акмал Саидов, Ўткир Раҳмат, Зухриддин Исомиддинов, Фармон Тошев, Эшқобил Шуқур, Зулфия Мўминова, Қутлибека Раҳимбоева сингари адабиётшунос, адиб ва журналистларнинг мақолалари ўрин олган.

– Тўпلامда биз яхши таниган журналистлардан Абдунаби Ҳайдаровнинг «Қайта алангаланган чўғ», Алижон Абдурахмоновнинг «Сўнги қўнғирок – нимага чорлов, нимага зарба?», Ғулломjon Мираҳмедовнинг

«Пойтахт қўчаларидаги пулли парковка», Абдор Зоҳидовнинг «Кредит, «рассрочка», «вариант» каби мақолалари эътиборини тортди, – дейди Аҳмадjon Мелибоев. – Шу билан бирга, ўзим учун янги номларни кашф этдим. Масалан, журналистикамизга публицистика йўналишида ёзадиган Зебо Намозова, Гулрухбегим Одашбоева, Феруза Раҳимова ва Эъзова Умурзоқова каби навқирон авлод кириб келаётганига амин бўлдим. Яна бир жиҳати ушбу тўпلام журналистика йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун тайёр дарслик бўлиб хизмат қилади. Демак, тахририят жамоаси бундай анъанани давом эттириши айна муддао бўларди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, 2026 йил 21 март куни Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси муассислигидаги «Ishonch» газетаси чоп этила бошлаганига 35 йил тўлди.

1991 йил 21 март куни нашрнинг илк сони чиққан бўлса, бугунга қадар 5 минг 250 дан ортиқ сон чоп этилди. Тахририятда ўзига хос тажриба мактаби яратилган. Жамоа замон билан бирга қадам ташлаб, конвергент тахририят сифатида ўзини намоён этишга ин-



тилмоқда. Медиа марказда Ishonch.uz сайти ва унинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари – телеграм канали, ютуб платформи учун видеоконтентлар тайёрланиб, бу орқали газетада ёрилган мавзунга янада кенгроқ ёйилишига ҳам эришилмоқда. Бугунги кунда телеграмда 100 минг, инстаграмда 60 минг, YouTubeда эса 50 мингдан ортиқ кузатувчиси бор. Видеоконтентлар орасида бир неча юз мингдан миллион-миллион кўрилган саҳифалар мавжуд. Медиа марказда тайёрланган кўрсатувлар эса марказий телеканалларда намоён этиляпти.

Китоб тақдимида шулар ҳам қайд этилди. Тадбир якунида журналистлар хамиша ўз даври сўзини баралла ва журъат билан айта олиши, шундагина улар жамият ва одамлар олдидаги бурчини тўлақонли адо этиши таъкидланди.

Зебо НАМОЗОВА  
«ISHONCH»  
Қувончбек Тўраев  
олган суратлар



Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши «Янги Ўзбекистон – янги касба уюшмалари» шиори остида тадбир ташкил этди. Унда бошланғич касба уюшмалари ташкилотлари раислари қатнашдилар.

## ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Икки кунлик семинар доирасида иштирокчилар Қоракөлпогонистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтига ташир буюриб, «Намунали бошланғич касба уюшмаси» сифатида эътироф этилган қўмита фаолияти билан яқиндан танишдилар. Хўжатларни юритиш, ходимлар билан ишлаш ҳамда ташкилий масалаларни самарали ҳал этиш бўйича тажриба алмашдилар. Институт касба уюшмаси қўмитаси раиси Марат Бердимуратов бугунги кунда ушбу жамоат ташкилотларининг энг

### Ўқув-семинар

асосий вазифаси ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг ижтимоий фаолигини ошириш эканини таъкидлади. Бундай семинарлар эса айна йўналиш бўйича тажриба алмашишда муҳим ўрин тутди.

Тадбир давомида талабалар ва касба уюшмалари етакчилари ўртасида очиқ мулоқот уюштирилди. Иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланб, тақлифлари қўллаб-қувватланди, ижтимоий ҳимоя масалалари ҳам алоҳида эътиборда бўлди.

Фотима АБДУРАИМОВА  
«ISHONCH»

### Эътибор

## ҚАЛЪЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРУВЧИ КУЧ

Юртимизда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан нурунийлар учун яратилаётган шарт-шароитлар бу борадаги амалий ишлар изчил ва тизимли олиб борилаётганидан далолат бермоқда. Хусусан, Нурунийларни қўллаб-қувватлаш марказида истиқомат қилувчилар учун қўлай яшаш муҳити, сифатли тиббий хизмат, самарали реабилитация имкониятлари, соғлом овқатланиш тизими ҳамда мазмунли дам олишлари ва маданий ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик кексалар ҳаётдан рози бўлиб, хотиржам умр кечиришлари хизмат қилмоқда.

Ана шундай эзгу ишларнинг давоми сифатида Тошкент шаҳридаги Нурунийларни қўллаб-қувватлаш марказида кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун хайрия концерти тадбири ташкил этилди. Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши уюштирган бу тантанали кўзланган асосий мақсад нурунийларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг кўнглини кўтариш, жамиятда меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустақамлашдан иборат бўлди.

Кенгаш раиси Абдухалил Раҳмонов

юртимизда инсон қадрини улуғлаётгани, айниқса, кексалар ва фахрийлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш устувор йўналишлардан бири эканини алоҳида таъкидлади.

– Инсон қадрини улуғлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва жамиятда меҳр-оқибат муҳитини мустақамлашда бундай тадбирлар муҳим аҳамият касб этади, – деди у.

Концерт дастури тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади. Тантана асоси нурунийларга эсдалик совғалари топширилди.

Амир АҲМЕДОВ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши қошидаги Шахматга ихтисослаштирилган спорт мактабида «Ishonch» газетасининг 35 йиллиги муносабати билан ижодкорлар ва журналистлар ўртасида шахмат мусобақаси ташкил этилди. Унда 30 нафарга яқин таниқли устоз журналистлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, адиблар қатнашди. Мусобақага спорт мактаби мураббийлари Анваржон Мирзаабдуллаев ва Баҳора Эгамбердиева ҳакамлик қилди.

Президентимизнинг 2026 йил 6 мартдаги «2026 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ҳамда шахматни оммалаштириш ва ривожлантиришга, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган қарор ва фармонлар ижросини таъминлашни мақсад қилган мусобақа қизгин кечди.

– Ҳар қандай ижодкор, умуман, зиёли инсон учун шахмат муҳим аҳамиятга эга спорт тури ҳисобланади. Уни бекорга ақл гимнастикаси дейишмайди, – дейди устоз журналист Ҳабиб Темиров. – Бу каби мусобақа-

## ИЖОДКОРЛАР «ISHONCH» ТУРНИРИДА



ларда қатнашишга ҳаракат қиламан. Шу баҳонада дўстларимиз билан дийдорлашамиз. Шахматдаги маҳоратларимизни оширамиз. Бугун бизга шундай имконият яратиб берган тахририят жамоасига чин дилдан миннатдорлик билдирамиз.

– Ижодкорлар ўртасида ўтказилган ушбу тадбир меҳр-оқибатнинг бир кўриниши аслида. Айниқса, асосий фаолияти

ёзиб-чиқиш билан ўтаётганлар учун ақлий гимнастиканинг аҳамияти катта. Баҳор байрамлари нафаси уфуриб турадиган кунларда туғилган, бугун илгор нашрлардан бири бўлган «Ishonch» газетаси бу каби мусобақаларни тез-тез уюштиришда етакчи, – дейди Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети профессори Ҳалим Саидов.

– Шахмат ҳам ижод, ҳам тафаккур машқи. Қолаверса, у фикр, идрок, зеҳнин чарқлайди, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бўлим бошлиғи Маъмура Зоҳидова. – Бугун ўзимизни синоп кўриш билан бирга, дўстлар билан дийдорлашдик. Ҳабиб Темиров, Турсунали Ўрмонов, Зухриддин Исомиддинов каби устозлар суҳбатини олдик.

Тезкор шахмат бўйича ўтказилган ўйин жараёнлари жуда кескин курашлар остида кечди. Яқинда биринчи ўрин шоир Таллантбек Примовга насиб этди. Иккинчи ўринни Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбири Санжар Тошпўлатов қўлга киритган бўлса, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети кафедраси муdiri, профессор Акбар Нурматов учинчи ўрин соҳибига айланди.

Ғолиблар ва барча иштирокчилар тахририятнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ  
«ISHONCH»



Кўз билан кўрган эшитгандан афзалроқдир.

Абу Райҳон Беруний

Ўрганиш

# МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА



Бухоро вилоятида иш жараёнида содир бўладиган бахтсиз ҳодисалар сабабларини аниқлаш, ўрганиш ва жабрланган ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи доимий диққат марказида. Вилоят прокуратураси топириғига асосан ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигида бу масала атрофида таҳлил қилинди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг вилоят кенгаши корхона ва ташкилотларда қайд этилган 54 та бахтсиз ҳодисани ўрганди. Шу жараёнда ходимлар ҳуқуқлари таъминлиниши ва уларга қонуний ёрдам кўрсатилиши билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, «ЎзАвто Мотор» акциядорлик жамияти Транспорт ташувлари бошқармаси ҳайдовчилари Олимжон Норматов ва Шарифбек Матиев билан содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси ҳам атрофида таҳлил қилинди.

Маълум бўлишича, бу ҳайдовчилар хизмат вазифини бажариш доирасида Андижон вилоятининг Асака туманидан юк ташиниш учун йўлга чиқишган. Шунга қўра, тиббий кўриқдан ўтиб, техника хавф-

сизлиги бўйича йўриқномалар асосида иш бошланган. Бир неча кунлик хизмат сафари давомида турли ҳудудлар орқали ҳаракатланишган ва Ромитан тумани ҳудудида тўхтаб турган юк машинасига тўқнашиб кетиши оқибатида тан жароҳати олишган.

Бу воқеа хизмат вазифини бажариш чоғида содир бўлган сабабли махсус текшириш комиссияси уни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса, деб баҳолади. Тегишли тартибда Н-1 шаклидаги даволатнома расмийлаштириш бўйича масъул ташкилотларга топшириқ берди.

Текшириш жараёнида жабрланган ҳайдовчилар билан суҳбат ўтказилиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, бахтсиз ҳодиса натижасида етказилган зарарни

қоплаш тартиблари тушунтирилди. Тиббий ҳулосага қўра эса, иккала ҳайдовчи ҳам оғир тан жароҳати олган. Кейинчалик Олимжон Норматовнинг соғлиги тикланиб, иш фаолиятини давом эттирган. Шарифбек Матиевга эса тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси томонидан касбий меҳнат лаёқатини 30 фоизга йўқотганлик даражаси белгиланди.

Ўрганишлар давомида иш берувчи бу ходимга қонунчиликда белгиланган зарар тўловларини тўламагани аниқланди. Масалга касба уюшмалари мутахассислари аралашиб, иш берувчига тегишли қарорларнинг мазмун-моҳиятини тушунтирилди. Натيجада «ЎзАвто Мотор» томонидан Шарифбек Матиевга бир марталик нафақа сифатида 132 миллион 250 минг сўм тўлаб берилди, ойлик зарар тўловлари ҳам белгиланди.

Бошқа бахтсиз ҳодисаларда ҳам жабрланган ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилди. 10 дан ортиқ ҳолатда иш берувчилардан қарийб ярим миллиард сўмга яқин зарар тўловлари ундириб берилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, бундай ўрганишлар меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда жабрланган ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

**Азизжон АМОНОВ,**  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси

Касба уюшмаси аралашгач...

Ўтган йилнинг август ойида-Бекобод туманидаги 61-умумтаълим мактаби фаолияти тугатилди. Ходимлар меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилди. Аммо буйруқларда акс этган компенсация тўловлари 8 нафар ходимга тўлаб берилмади.

## АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Аслида иш берувчи меҳнат шартномасини икки ойлик огоҳлантириш муддатини пулли компенсацияга алмаштириш тўғрисидаги аризага асосан бекор қилган бўлиб, у дарҳол ижро этилиши керак эди.

Буйруқларда Меҳнат кодексининг 165-моддаси 3-қисми ҳамда 173-моддасига қўра, ишдан бўшатиш нафақаси тўлиниши кўрсатилган, – дейди Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Бекобод тумани бўлини маси кенгаши раиси Алишер Султонов. – Лекин 8 кишига компенсация тўлаб берилмади. Туман мактабгача ва мактаб таълими бўлимига кўрсатма хати юбордик, бироқ ижроси таъминланмади.

Шундан сўнг ходимлар Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига мурожаат қилишди. Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши масъулларининг саъй-ҳаракати билан иш судга оширилди. Суд ходимлар фойдасига 30 миллион сўмдан зиёд компенсация пули ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

**Равшаной ГАЗИЕВА,**  
Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши масъул ташкилотчиси

Семинар

# ИККИ КУНЛИК САБОҚ



Урганч шаҳрида Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси тизимидаги бошланғич касба уюшмаси ташкилотлари раислари учун икки кунлик семинар ташкил қилинди.

Унда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева сўзга чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида тўхталди. Агро-

саноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Х.Бегматов эса, соҳада рўй берётган ўзгаришлар ҳусусида сўз юритди. Шу асно меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, иш жойида

шарт-шароитларини яхшилаш, хавфсизлик талабларига риоя этиш, меҳнат шартномаларини тўғри расмийлаштириш каби масалалар ҳақида тушунча берди.

Бошқа маърузчилар «Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонун, касба уюшмалари фаолиятини устав талаблари асосида ташкил этиш, халқаро меҳнат стандартлари ва гендер тенглик масалаларига тўхталдилар.

Ўқув давомида иштирокчилар «Тилло Домор» хусусий корхонасида бўлиб, бошланғич касба уюшмаси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Янгибозор тумани кенгашига ҳам ташриф буюриб, «Яшил макон» лойиҳаси доирасида манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказдилар.

Муҳаббат Тўрабоева  
«ISHONCH»



Муҳокама

# ХОДИМЛАР ИШ БЕРУВЧИДАН МАМНУНМИ?

КАТТАҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ «КАТТАҚЎРҒОН ПАРРАНДА» МЧЖДА 2025–2027 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАБ ТУЗИЛГАН ЖАМОА ШАРТНОМАСИНИНГ 2025 ЙИЛДАГИ ИЖРОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

Тадбирда қайд этилишича, ходимларга муносиб меҳнат шароити яратиш, техника хавфсизлигини таъминлаш борасида жамоа шартномасида белгиланган барча талаблар ўз ижросини топган. Кафолатланган шароит учун иш берувчи томонидан 518 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган. 302 нафар ишчи-ходим бир маҳал, тунги соатда ишлаган ва навбатчиликда турган ходимлар вақтга қараб уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланмоқда.

Жамоада меҳнат қилаётган эркакларга 14 нуқтада, хотин-қизларимиз учун 13 нуқтада санитария-маиший ускуналар билан жиҳозланган ювенил хоналари ташкил этганмиз, – деди МЧЖ раҳбари С.Солиев. – Иқтисодий имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда ходимларни ишга олиб келиш ва ишдан сўнг элиб қўйиш учун ухта йўналишда бепул автобуслар хизмати йўлга қўйилган. Айни чоғда махсулотларни янги дизайндаги ўрамларда қадоқлаш, сифатини яхшилаш, истеъмолчилар талабига мослаштириш устида ишлаяпмиз. Бундан қўтилаётган иқтисодий фойда ҳам ходимларга берилмаётган маош ва бошқа тўловлар миқдорини оширишга, иш шароитини яхшилашга йўналтирилади.

Муҳокамада сўзга чиққан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси бўлим мудирини Зафар Набиев, Федерациянинг Самарқанд вилояти кенгаши раиси ўринбосари Акбар Абдусайдов ва бошқалар жамоа шартномаси ижросида назардан четда қолаётган масалаларга эътибор қаратиб, истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга урғу беришди.

Нурилла ШАМСИЕВ  
«ISHONCH»



# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ – САМАРАЛИ МЕҲНАТ КАФОЛАТИ

2025 йил Қорақалпоғистон Республикаси Футбол академияси тарихида нафақат спорт ютуқлари, балки ижтимоий-меҳнат муносабатларини янада мустаҳкамлаш даври сифатида ҳам ёдда қолди. Академия раҳбарияти ва касба уюшмаси ўртасида тузилган 2025–2027 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг ижроси ходимларнинг ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда ҳақиқий ҳимоя воситасига айланди. Бугунги кунда академияда меҳнат қилаётган 59 нафар ходим касба уюшмаси аъзоси сифатида жамоа шартномасида белгиланган имтиёزلардан тўлиқ фойдаланмоқда.

Бизнинг эътиборимиздаги асосий масалалардан бири бу хавфсиз меҳнат шароитидир. Шу мақсадда барча иш жойлари меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича аттестациядан ўтказилди, санитар-техник ҳолатлар бўйича паспортлар расмийлаштирилди ва ходимлар керакли жиҳозлар билан таъминланди.

Жамоа шартномаси талаблари асосида ижтимоий кўлаб-қувватлаш тизими ишлаётгани амалда ўз тасдиғини топаётгани ходим-

ларни хурсанд қилмоқда. Жумладан, ҳамшира Амангул Ешбаеванинг жарроҳлик амалиёти учун маълум миқдорда маблағ ажратилган бўлса, бир ходимнинг оилавий шароитидан келиб чиқиб, зарур чоралар кўрилди. Иккинчи гуруҳ ноғирони бўлган хизматчи даволаниши учун керакли миқдорда маблағ ажратилди. Шу билан бирга, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун саёҳатлар ташкил этилмоқда.

Жамоа шартномасида белги-

ланган 19 та модда ва 38 та банднинг 18 таси тўлиқ бажарилиб, сарфланган умумий маблағ 143 миллион 700 минг сўмни ташкил этди. Ҳар бир ходим ҳиссасига ўртача 2 миллион 435 минг сўмга тўғри келди. Бинобарин, жамоа шартномаси самарали меҳнат кафолатини таъминламоқда.

Муҳаббат АБАТОВА,  
Қорақалпоғистон Футбол академияси касба уюшмаси қўмитаси раиси

Конференция

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Навий вилоятидаги «Иссиқлик таъминоти» МЧЖда меҳнат жамоасининг 2025–2028 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг ўтган йилги ижроси ҳамда унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Дастлаб корхона директори Анвар Бўриев ва масъул мутахассис А.Нурматов 2025 йилда ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

Шундан сўнг 2025–2028 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар муҳокама қилиниб, иштирокчиларга уларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилди. Таклиф ва мулоҳазалар асосида ҳужжатни такомиллаштириш юзасидан аниқ ёндашувлар ишлаб чиқилди.

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Навий вилояти бирлашган қўмитаси раиси Тоҳир Йўлдошев ҳамда Федерациянинг Навий вилояти кенгаши вакили Олим Бобомуродов жамоа шартномасининг ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўрни, ижтимоий шерикликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида фикр билдирдилар.

Конференция якунида жамоа шартномасининг ўтган йилдаги ижроси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, самарадорликни янада ошириш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ  
«ISHONCH»

Йиғилиш

Вақти-соати ўтгандан сўнг ижро бўладиган  
ваъдадан ҳеч бир яхшилик бўлмас.  
Маҳмуд аз-Замахшарий



## «TOSHKENT UNIVERMAGI» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИ ВА КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ

Барча  
ватандошларимизни  
янгилик ва яшарли  
байрами –

### НАВРЎЗИ

### ОЛАМ

билан чин юракдан  
қутлайди!



Юртимиз тараққиёти бардавом, Янги Ўзбекистоннинг  
дунё саҳнидаги нуфузи янада баланд бўлишини, гайрат-  
шижоатли, меҳнатсевар халқимизга бахт ва омад, сиҳат-  
саломатлик, дастурхонига тўкин-сочинлик тилайди.  
Нафосат айёми яна бир бор қутлуғ бўлсин, азизлар!

## ТРАНСПОРТ, ЙЎЛ ВА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ, ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Барча юртдошларимиз ва  
соҳа ходимларини  
бахорий янгиликнинг айёми –  
НАВРЎЗИ ОЛАМ  
билан табриқлайди!

Шу қутлуғ дамларда барча пок ниятлар ижобат бўлишини,  
хонадонларида доимо осойишталик, хотиржамлик, битмас-  
туганмас бахт, меҳр-оқибат туйғулари ҳукмронлик қилишини,  
Яратганнинг ўзи юртимизни турли бало-қазолардан асрашини, бирдамлик,  
дўстлик ва аҳиллик туйғулари янада зиёда бўлишини тилайди.



## «САЁХАТ-САРИ» УНИТАР КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ

Юртимиз аҳли ва  
тизимда меҳнат  
қилаётган барча  
азизларни  
НАВРЎЗ АЙЁМИ  
билан муборакбод  
этади!

Янги келинчақдек кириб келиб, табиатимизга гўзаллик улашган  
ушбу байрам меҳридарё ҳамюртларимизга ҳамиша бахтли онларни  
ҳадя этишини, ўзларига мустаҳкам соғлиқ,  
ишларида зафарлар ёр бўлишини, бахт-иқбол туйғулари  
доимий ҳамроҳига айланишини тилайди.  
Тинч ва осуда ҳаётимизга асло кўз тегмасин, қадрли ватандошлар!



## ФАРОВОНЛИК ФАҚАТ СТАТИСТИКАДА ЭМАС

Яқинда Статистика қўмитаси камбағаллик даражасини аниқлаш  
учун қўлланиладиган минимал истеъмол харажатлари кўрсатки-  
чини эълон қилди. Маълум бўлишича, 2026 йил учун ҳар киши бо-  
шига ҳисобланган минимал истеъмол харажатлари миқдори ойига  
715 минг сўм этиб белгиланган. Расмий изоҳга кўра, мазкур рақам  
2025 йилдаги инфляция даражаси, яъни озиқ-овқат, ноозиқ-овқат  
маҳсулотлари ва хизматлар нархи индекси асосида индексация қи-  
линган.

Бу кўрсаткич мамлакатда камбағаллик чегарасини аниқлашда асосий мезонлардан бири сифатида қўлланилади. Яъни, статистик ҳисоб-ки-тобларга кўра, ойига 715 минг сўмдан кам даромад тошган киши камбағал ҳисобланади, ундан юқори даромад эса расман камбағаллик чегарасидан чиқишни аниқлатади. Аммо масаланинг бошқа жиҳатига назар ташласак, айрим долзарб саволлар юзага чиқиши табиий. Масалан, рақам ва реал ҳаёт ўртасидаги фарқни олайлик. Зеро, энг оддий эҳтиёжларни қондириш ҳам муайян харажатларни талаб қилади. Хусусан, шаҳар шароитида бир киши учун ойлик озиқ-овқат харажати бир неча юз минг сўмдан ошиб кетиши турган гап. Борди-ю, унга транспорт, коммунал тўловлар, дори-дармон, кийим-кечак ва бошқа зарур хизматларни қўшсак, 715 минг сўмлик «минимал

истеъмол» реал ҳаётга мос келмаётгани ойдинлашади. Тўғри, бу кўрсаткич фақат яшаб туриш учун зарур бўлган энг кам сарф-харажатларни ҳисобга олади, яъни у инсоннинг тўлиқ ва муносиб ҳаёт кечиришини эмас, балки минимал истеъмол эҳтиёжларининг акс эттиради. Лекин камбағаллик даражасини аниқлаш фақат статистик рақам билан ҳал бўладиган масала эмас. Чунинчи бир хил даромадга эга икки оиланинг турмуш даражаси мутлақо бошқача бўлиши мумкин: бири-нинг ўз уйи бор, иккинчиси ижарада яшайди. Шунингдек, катта шаҳар ва қишлоқда яшаш харажатлари ҳам бир-бирдан кескин фарқ қилади. Шу боис камбағалликни баҳолашда ҳаёт сифати, инфратузилма ва реал истеъмол даражаси каби омиллар ҳисобга олинса, адолатдан бўларди, бизнингча.

### Муносабат

Ҳа, статистика давлат сиёсатини режалаштиришда муҳим фактор ҳисобланади. Бироқ бу каби рақамлар одамлар орасида муҳокама қилинаётган ва эътирозларга сабаб бўлаётган бўлса, демак, аҳолининг кундалик ҳаёт даражаси билан расмий кўрсаткичлар ўртасида сезиларли даражада тафовут бор. Ҳўш, нима қилиш керак? Аслида камбағаллик чегарасини белгилашдан муҳимроқ вазифа аҳолининг реал даромадини ошириш, иш ўринлари яратиш ва ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтиришдир. Зеро, одамларнинг турмуш даражаси фақат иқтисодий имкониятлар кенгай-сагина яхшиланади. Ишонч билан айтиш мумкин, бугунги сиёсатимиз айнан шу йўналишда давом этмоқда. Хусусан, тадбиркорликка кенг йўл очилди. Натижада ишлаб чиқариш объеклари сони ортиб, иш ўринлари қўлай-моқда. Демак, вақти-соати келиб, расмий статистика билан реал даромад ўртасидаги фарқ ижобий томонга ўзгаради.

УМУМАН ОЛГАНДА, 715 МИНГ СЎМЛИК МИНИМАЛ ИСТЕЪМОЛ ХАРАЖАТЛАРИ ШУНЧАКИ СТАТИСТИК ҲИСОБ-КИТОБ НАТИЖАСИ БЎЛИШИ МУМКИН. АММО БУ ЖАМИЯТДАГИ ҲАҚИҚИЙ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ТЎЛИҚ ИФОДАЛАЙДИ ДЕГАНИ ЭМАС. ИЛЛО, ҲАЁТНИ ФАҚАТ РАҚАМЛАР БИЛАН ЎЛЧАБ БЎЛМАЙДИ. АСЛИДА ҲАҚИҚИЙ ФАРОВОНЛИК СТАТИСТИКАДА ЭМАС, БАЛКИ ОДАМЛАРНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИДА, УЛАРНИНГ ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИДА НАМОЁН БЎЛАДИ.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ  
«ISHONCH»

**Илм икки йўл: тафаккур қилиш ва муаллимга кулоқ солиш билан ўрганилади.**

**Имом Мотуридий**



**Сурхондарё томорқаларидан ўндан ортиқ давлатга экспорт**

Маълумки, юртимизда деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришнинг эртаки, ўртаки ва кечки турлари мавжуд. Вилоятда бу борадаги ишлар кластерлар, фермерлар ва томорқа ер эгалари томонидан режали равишда олиб борилмоқда. Унинг ижобий самараси ўлароқ, ўтган йилнинг биринчи ярмида воҳа деҳқонлари 719,7 минг тонна сабзавот етиштириб, республикада пешқадам бўлишди.

Бу йилги марралар янада юксак. Деҳқонлар қиш ва баҳор мавсумида аҳолини бодринг, помидор, сабзи, карам, шолғом, редиска, турп, пиёз, саримсоқпиез ва турли кўкатлар каби эртапишар сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш ҳамда экспортбон ноз-неъматлар етиштириш учун енг шимариб ишлашмоқда. Албатта, даромад ҳам қўрилган чора-тадбирлар ва қилинаётган меҳнатга яраша бўлиши тайин.

– Жорий йилда виллоятдаги 16 минг 202 гектар сугориладиган асосий майдонларда 333 минг 572 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштириш режалаштирилган, – дейди Сурхондарё виллоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бош мутахассиси Аббос Мардонов. – Шундан 8 минг 161 гектаридан баҳор ойларида 205 минг тонна ҳосил олиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, 425 мингга хонадонда жами майдони 49 минг гектарга тенг томорқалар мавжуд. Етиштирилиши мўлжалланаётган 2,5 миллион тонна ҳосилнинг қарийб 700 минг тоннасини кўкламги сабзавот экинлари ташкил этади.

Президентимизнинг 2024 йил 5 апрелдаги «Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер май-

донларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, охириги икки йил давомида «E-auction» платформаси орқали 11 минг 341 гектар майдонда деҳқон хўжаликлари ташкил этилган. Улардан ҳам самарали фойдаланиш эвазига мўл-қўл озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилмоқда. Натижада 169,3 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосан халқимиз дастурхонига етказиб берилмоқда. Маълум қисми эса логистика марказлари орқали экспорт қилинмоқда.

Дарвоқе, ўтган йил январь-март ойларида виллоятдаги қишлоқ хўжалиги қорхоналари томонидан турли хўжаликларда етиштирилган қиймати 41,3 миллион долларлик 44 минг тонна сабзавот ва мевалар Россия, Покистон, Туркия, Афғонистон, Тожикистон, Қозғоғистон, Қирғизистон, Беларусь ва Озарбайжон каби ўндан ортиқ давлатга экспорт қилинган. Бу йил эса экспорт ҳажмини 50 минг тоннадан ошириш режалаштирилган. Бинобарин, Ўзбекистон маҳсулотлари

талабдор давлатлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Сабаби, юртимизда етиштирилатган мева ва сабзавотлар қуёш нурига тўйингани, сифати, таъми ва шифобахшлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу эса деҳқонларимизни баҳорги сабзавот экинларидан янада кўпроқ ҳосил олиб, мўмай даромад топишга ундайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда, жумладан, Сурхондарёда ҳам сабзавот экинлари умумий майдонининг 20 фоизини оддий пиёз ва саримсоқпиез эгаллайди. Бул-

**Имконият ва самара**

тур 200 минг тоннадан ортиқ пиёз ва 39 минг тоннадан зиёд саримсоқпиез олинди. Бунда Президентимизнинг 2020 йил 15 октябрдаги «Саримсоқпиез ҳамда тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ишлари самарали ташкил этилаётгани ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Албатта, яхши даромад олингани сабабли одамлар ўз томорқаларига ушбу маҳсулотларни доимий равишда экишади. Шундай оилалардан бири – Ангор туманидаги «Юқори Таллимарон» маҳалласида истиқомат қилувчи Бозор Тоиров қарийб 40 йилдан буён деҳқончилик билан шуғулланади. У узок йиллар сув хўжалиги соҳасида фаолият юритган. Сўнгги пайтларда шахсий томорқасидан самарали фойдаланиб, иссиқхона ва очиқ майдонда помидор, бодринг, карам ва саримсоқпиез етиштирмоқда. Ўтган мавсумда 100 миллион сўм даромад олди.

– Томорқамиз йил-ўн икки ой бўш турмайди, – дейди соҳибкор. – Дастлаб эртапишар сабзавотларни йиғиштириб оламиз. Сўнгра ўрнига харидорғир бошқа экинлар экимай. Олаётган даромадимиз ҳисобига рўзгоримиз бут, турмушимиз фаровон. Фарзандларимизни уй-жойли қилдик, ўқитдик ва тўйлар қилдик.

Ҳа, Бозор Тоиров каби ернинг тилини тушунадиган минглаб инсонларнинг орзумидлари, ҳалол меҳнатлари натижасида воҳада пишиб-етилган сабзавот экинлари айни дамларда ички ва ташқи бозорга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ**  
«ISHONCH»

**Орамиздаги одамлар**  
**САОДАТ ЙЎЛИ**  
**САБОҚЛАРИ**

Ҳам она, ҳам ўз касбининг моҳир устаси, ҳам жамиятнинг фаол аъзоси бўлган ўзбек аёллари оила ва жамият фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Шоҳиста Файзуллаева ана шундай илгор аёллардан бири.

1956 йил август ойида Қозғоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида таваллуд топган Шоҳиста Муртазаевна билимга чанқоқ, зукко, интизомли, меҳнатсевар, қатта-ю кичикка бирдек ҳурматда бўлувчи оқила инсон бўлиб камол топди. Бунда оиладаги соғлом муҳитнинг, ота-онанинг чиройли тарбияси ва фарзандларига кўрсатган намунасининг ўрни қатта бўлди.

1978 йилда меҳнат фаолиятини «Ўзметсабзавотузумсаноат» бирлашмасида иқтисодчи сифатида бошлаган қахрамонимиз то Тошкент виллоят ҳокимлиги Иқтисодиёт бозор бошқармаси бошлиги бўлгунга қадар қашар масъул лавозимларда ишлаб, ўзидаги қатъият, адолатпарварлик ва инсонпарварлик хислатларини намоён этди.

Худуднинг иқтисодий ривожига Шоҳиста Муртазаевнанинг хизматлари беқиёс. Унинг ишбилармонлик, тадбиркорлик ва қатъият билан қабул қилган қарорлари молиявий масалаларга ечим бўлди. Фидоқорона меҳнатлари билан нафақат жамоада балки республика миқёсида обрў қозонди.

Табиийки, бундай муваффақиятларга эришиш, жамиятда ҳам, оилада ҳам илгор бўлиш аёлдан катта сабр, матонат, масъулият ва тинимсиз меҳнат талаб қилади. Ярим тунгача ишлаш, фарзандларига ғамхўрлик қилиш, эрта тондан яна халқ хизматида оқлашиш Шоҳиста опанинг кундалик юмушлари эди. Жамият тараққиёти ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилаётган тиниб-тинчимас бу аёл бугун эл ардоғида.

У, айниқса, хотин-қизлар муаммоларига алоҳида эътибор қаратади. Оилавий масалаларда ҳаётгир, кези келса, ҳуқуқий маслаҳатлар бериб, тўғри йўл кўрсатади. Шу боис ҳозирга қадар кўпчилик унинг панд-насихатларини миннатдорлик билан эслашади.

Ўзи ҳам ҳаётнинг турли синовларидан ўтди. Аввал турмуш ўртоғи, сўнг укасининг вафоти қалбини чилпарлин қилган бўлса-да, иродаси қуқилмади. Уч қизига ҳам ота, ҳам она бўлиб, уларни ўқитди, касб-хунарли қилди, муносиб жойларга узатди.

Пенсияда ҳам тиниб-тинчимасган Шоҳиста опа эндиликда маҳалланинг кайвони онахонларидан. Ҳар қандай тадбир унинг иштирокисиз ўтмайди. Етти нафар набиранинг сеvimли бувижониси бу йил 70 ёшга қарши олмоқда.

Биз одамилик соҳибаси, меҳнатдан қадр топган опа ҳамisha ҳозиргидек оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалла-қўй ардоғида яшашини, бой тажрибаси, ҳаёт йўли билан уларга ўрнак бўлиб, кексалик гаштини суриб юришини тилаймиз.

**Зухра БЕРДИЕВА,**  
меҳнат фахрийси



**Шарқ халқларининг аксарияти Наврўзни азал-азалдан Янги йил байрами сифатида кенг нишонлаб келишади. Қолаверса, уни Мучал йили бошланган арафа кунини сифатида қадрлашади. Бу бежиз эмас, албатта.**

Мучал – йил ҳисобини юритишнинг ўзига хос тизими. Унга кўра, ҳар қайси янги йил 22 мартдан бошланади ҳамда сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит ва тўнғиз каби ўн икки ҳайвондан бирининг номи билан аталади. Шунга муносоиб равишда ҳар ўн икки йилда қайта такрорланади.

Мозийшунослар фикрича, Мучалининг туб негизида аслида бундан қирқ асрача бурун хитойликлар тузган, йил номлари ҳар олтинчи йилда мунтазам такрорланиб туришига асосланган тақвим этади. Унинг вужудга келишига ўша кезлардаги олам сув, олов, тупроқ, металл ва ёғочдан ташкил топган ҳамда улар ўзида ижобий ва салбий хусусиятларни мужассамлантирган, деган тушунча туртки бўлган. Бу беш унсур «осмон шохобчаси» деб номланган. Самонинг энг ёрқин ёриткичларидан Муштарийнинг 12 йиллик ҳаракати йўли эса шунча бўлакка бўлинган ва ҳар бирига «ер шохобчаси» деб аталувчи 12 ой белгилари қўйиб чиқилган. Милоннинг бошларида уларга каламуш, сигир, йўлбарс, қуён, аждаҳо, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит, чўчка каби ҳайвонлар номи қўшилган. Бу белгилар Қуёшнинг йиллик қўрним ҳаракати йўлида жойлашган Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жади, Давл ва Ҳут юлдуз туркумлари эгаллаган худудларга мос келган.

Шу зайл қадимий хитойликлар беш белгилли «осмон шохобчаси» ва 12 белгилли «ер шохобчаси»дан ташкил топган ҳамда уларнинг кўпайтмаси бўйича олтинчи йилни қамраб олувчи, ҳозир ҳам Хитой, Япония, Корея, Вьетнам ва Мўғулистонда қўлланилувчи циклик жадвал тақвими яратилган. Моҳиятан ёндашганда, бу аслида шамсий-қамарий тақвим бўлган. Чунки унда Ойнинг Ер атрофида айланиш даври, илмий тилда айтганда, синодик ой 29 кеча-кундуз 12 соат 44 дақиқа 3 сония, Қуёш ясси доираси марказининг 21 мартда рўй берадиган баҳорги тенг кунлик нуқтасидан кетма-кет икки марта ўтиши учун зарур вақт 365 кеча-кундуз 5 соат 48 дақиқа 46 сония деб олинган. Шундан келиб чиққан

ҳолда, йилнинг узунлиги оддий йилларда 12 ойлик қилиб 354 кунга, кабиса йилларда 13 ойлик қилиб 384 кунга тенглаштирилган. Тақвимдаги йиллардан қай бири 12 ойлик, қай бири 13 ойлик бўлиши маълум Ой фазаси, масалан, янги ой йилнинг аниқ бир санасига тўғри келиши даврига қараб белгиланади. Бу давр 19 йилга тенг бўлиб, шундан еттигача, яъни 2, 5, 7, 10, 13, 15- ва 18-йилларда 13-ой қўшилади, қолганлари 12 ойдан иборат бўлади. Ўтган асрда ушбу тақвимнинг 19-йиллик цикллари боши 1924, 1943, 1962, 1981, 2000 йилларга тўғри келган.

Баъзи қадимий ёзма манбаларга қараганда, Мучал дастлаб милондан аввалги III-II асрларда ёхуд Юнон – Бактрия подшолиги даврида кўчманчи чорвадор халқлар, айрим далилларга кўра, мисрликлар ва хитойликлар томонидан жорий этилган. Бошқа маълумотлар бўйича эса, маъмур йил ҳисоби барча туркий, форсий-қобулий халқлар, шунингдек, мўғул, хитой, тува, олтой, хакас, бурят, қалмоқ ва ўзга миллату эллар орасида қадимдан амалда бўлган. У кейинчалик Мўғулистон, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Миср, Ироқ, Эрон, Афғонистон, Марказий Осиё мамлакатларига кенг тарқалган. Ўтмишдошларимиз одамнинг ёшини, туғилиш ва вафот этиш вақтини, тарихий жанглар ва буюк воқеаларни, йил ва фаслларнинг қандай келишини шу тақвим асосида «йил ағдариб» аниқлашган.

Шубҳасиз, инсон ёруғ дунёга кўз очган йилни ҳайвонлар номи билан аташ одати ўтмишда айрим маҳлуқларга сиғиниш оқибати ўлароқ келиб чиққан. Қайси юртда қайси жониворларга кўпроқ сажда қилинса, улар Мучал йили ҳисобига киритилган. Масалан, Хитойда биздаги балиқ ўрнига афсонавий аждаҳо, Африкадаги баъзи халқларда тимсоҳ, Мисрда сичқон ўрнига мушук, от ўрнига эшак танланган. Бора-бора айрим жойларда, жумладан, Марказий Осиё, Мўғулистон ва Хитойда ҳам турли қимматбаҳо буюм-жиҳозларни Мучал йилларига номи берилган ҳайвонлар расми билан беаш урф бўлган. Натижада олтин ва қумушдан илон шаклида ясалган билагузуклар, балиқ ва бошқа ҳайвонлар тасвири ўйиб ишланган мис идишлар кўпайган.

Албатта, Мучал йиллари тўғрисида турли миллатлар турлича фикр-хулосага эга бўлишган. Шу боис бир халқнинг муайян йил тўғрисидаги тасавури ҳоҳида иккинчи халқнига мос келмаган. Аммо барчасида Мучал ҳисобига киритилган ҳайвонлар хосияти ва муқаддас саналган. Ўз навбатида, йилларнинг баъзилари қут-баракати, баъзилари қутсиз-баракасиз, деб таърифланган ва ҳар бирида кўп йиллик ҳаётгир қузатувларга таянган ҳолда олдиндан башорат қилинган қандайдир воқеа-ҳодисалар содир бўлиши кўтилган. Бу ўринда кўпинча об-ҳавонинг қулай ё ноқулай келиши, қайси йил кишиларга қувонч, омад ва бахт ато этиши, қай бири ғам-ташвиш, омадсизлик ва қулфат келтириши назарда тутилган. Айтайлик, Балиқ йили серёгин келади ва экинлардан мўл ҳосил кўтарилади. Негаки, бу «қулқма ҳалол» сувда яшайди. Тovuқ йилида ҳам озиқ-овқат сероблашади, лекин одамларнинг ташвиши ортади. Сабаби, бу парранда асосий озиғи бўлиши донни топиб ейиш учун ҳаммаёқни оёғи ва тизмуғи билан обдон титкилаб ташлайди. Худди шунингдек, Тўнғиз йилида ёнгинчилик қўлайиб, нарх-наво арзонлашса-да, тез-тез қор ёғиб, сувуқ забита олади, боз устига, фиталар авжига чиқади. Илон йилида эса қишини қаҳри қаттиқлашиб, қурғоқчилик ва қимматчилик рўй беради. Сигир йили кирса, уруш қўпаяди, чунки бу забонсиз жониворлар бир-бири билан тез-тез шохлашиб туради.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лутотит турк» асарида ёзилишича, бунга ўхшаш эътиқодий тушунчалар туркий халқлар орасида анча оммалашган. Улар йилларнинг ҳар бирида ўзига яраша бетакор хикमत бор деб ҳисоблашган ва шунга таалуқли тахминларни илгари суришган. Этнограф Т.Потаповнинг аниқлашича, қадимги туваликлар сичқон, от, қўй, ит ва тўнғиз йилларини қутли, сигир, балиқ (маҳаллий аҳоли талқинида – аждаҳо), илон, маймун, товуқ йилларини қутсиз, йўлбарс ва қуён йилларини мўътадил деб билганган.

Булардан ташқари, аждодларимиз инсон тақдири ва феъл-атвори ҳам кўп жиҳатдан унинг Мучалига боғлиқ бўлишини муқом эслагани келишган. Чунюнки, Қуён йилида дунёга келган ўғил бола яхши одам бўлиб воғга етади, жамият учун фойдали ишлар қилади, тўнғиз-фаровон ҳаёт кечириб, узок умр кўради, деган фикрни авлодлар қулоғига қуйишган.

Табиийки, Мучал йиллари тўғрисидаги тасавурулар ва ибратли башоратлар турли миллатларнинг халқ озаки ижоди намуналарига ҳам ўз ифодасини топган. Адашмасак, асрлар оша сайқал топган «Барс (яъни, йўлбарс ёки илбирс) йили – бойлик, Қуён йили – қаҳатлик», «Барс йилида боринг соч, ҳеч бўлмаса тарик соч», «Сигир йили – тўқлик, Қўй йили – йўқлик», «Ит йилида бўрон бўлар», «Ит йилида эканнингни

тўнғиз йилида ўрасан», «Барс йилида боринг ўсар, Ит йилида молинг ўсар», «Сичқон йили – тўқлик, Қуён йили – очлик», «Қуён йилида ют бўлади» сингари ўзбек мақоллари бунга ёрқин мисол бўла олади. Заҳматқаш тадқиқотчилар Шотурсун Шомаксулов ва Шухрат Шораҳмедовнинг 2001 йили «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» нашриёти томонидан чоп этилган «Маънолар маҳзани» китобида минглаб бошқа сўз дурдоналари қатори ушбу нақлларнинг ҳам чўнг маъно-маъмуни теран очиб берилган. Шунингдек, моҳиятан Мучалга дахлдор «Туя бўйига ишониб, йилдан қуруқ қолибди» деган мақолнинг халқ афсоналарига уйқашиб кетган яратилиш тарихи ҳақида сўз юритилган.

Бу ривоятнинг мухтасар тафсилоти қуйидагича: қадимги одамлар Мучални ўйлаб топиб, унга киритилган ўн икки йилнинг ҳар бирига бирор жонивор номини қўймоқчи бўлибдилар. Айни мақсадда ҳамма турдаги ҳайвонларга дарё бўйига тўпланишни буюрибдилар. Шунинг баробарида «Қайси бирингиз олдин қўринсангиз, Мучалнинг дастлабки йили сизнинг номингиз билан аталади», деб эълон қилибдилар. Бу хабардан огоҳ топган дароз бўйли туя ўзида йўқ қувониб кетди. «Биринчи йилга баривор менинг номим лойиқ қўрилади», деган хомхаёлга бориб, бўйинини ғурур ила олға қўзганча, лўкиллаб йўлга тушибди.

Ҳайвонларнинг энг миттиси сичқон бояқиш бундоқ қараса, бошқа маҳлуқлар оёғи остида қолиб кетиб, ҳакамлар назарига тушмаслиги тайин. Шунда у ўзи учун ниҳоятда фойдали ақли бир иш қилибди. Чаққон сакраб, ёнидан ўтиб бораётган туянинг устига чиқибди-да, унинг қулоғи учига ўтириб олибди. Қарабсизки, ҳайвонлар айтилган манзилга яқинлашганларида ҳаммадан илгари сичқон кўзга ташланибди. Шартта биноан, Мучалининг биринчи йилига унинг номи берилибди. Бўйига ишонган лақма туя эса йилдан қуруқ қолибди.

Албатта, бу нақининг мажозий маъносини ҳам бор. Айрим кишилар қилдай амалга ўтирса, бамисоли филдай ақлга эга чиққандай, манманликка берилиб, ён-атрофидагиларни менсимай қўядилар. Айримлари ўз ўткинчи мол-дунёси ёки сохта обрў-эътиборига махлиё бўлиб, «Фалон нарса менга теғмай, кимга теғарди?» ёки «Пистон жойга мендан бўлак ким ҳам айтиларди?» дея катта кетадилар. Амалда эса тескариси бўлади. Улар ўша жойга айтимайдилар ёки берилади-дан нарсадан қуруқ қоладилар. Охир-оқибат шарманда бўлиб, қаттиқ пушаймон чекадилар. Табиийки, «Бўйига ишонган қамиш бўйра бўлибди», деган мақол ҳам истеҳзо тарикасида мана шундай кимсаларга нисбатан ишлатилади.

**Қуйида Мучал йилининг милодий тақвим бўйича қайси йилларда тўғри келишини кўрсатувчи жадвалини эътиборингизга ҳавола қилаётимиз**

№	Мучал йили	Мучал йилига мос келадиган милодий йиллар												
1	Сичқон	1924	1936	1948	1960	1972	1984	1996	2008	2020				
2	Сигир	1925	1937	1949	1961	1973	1985	1997	2009	2021				
3	Йўлбарс	1926	1938	1950	1962	1974	1986	1998	2010	2022				
4	Қуён	1927	1939	1951	1963	1975	1987	1999	2011	2023				
5	Балиқ	1928	1940	1952	1964	1976	1988	2000	2012	2024				
6	Илон	1929	1941	1953	1965	1977	1989	2001	2013	2025				
7	От	1930	1942	1954	1966	1978	1990	2002	2014	2026				
8	Қўй	1931	1943	1955	1967	1979	1991	2003	2015	2027				
9	Маймун	1932	1944	1956	1968	1980	1992	2004	2016	2028				
10	Тovuқ	1933	1945	1957	1969	1981	1993	2005	2017	2029				
11	Ит	1934	1946	1958	1970	1982	1994	2006	2018	2030				
12	Тўнғиз	1935	1947	1959	1971	1983	1995	2007	2019	2031				

**Агар сиз Мучалингизни топмоқчи бўлсангиз, аввал таваллуд йилингизга 9 сонини қўшинг, сўнгра йилнингиз 12 га бўлинг. Қолдиқ сонини эса Мучалингиз деб билинг. Айтайлик, сиз 1972 йилда туғилгансиз. Бу санага 9 ни қўшиб, 1981 га айланади. Уни 12 га бўлсак, 165 сонни келиб чиқади ва қолдиқ сифатида 1 қолади. Жадвалда эса ушбу рақам қаршида «Сичқон» ёзуви турибди. У сизнинг Мучалингиздир. Борди-ю, амаллар натижаси «ноль»га тенг бўлса, 12-Мучал йилида дунёга келган ҳисобланасиз. Мисол учун, сиз 1959 йилда туғилган бўлсангиз, бу сонга 9 қўшилганда, йилнингиз 1968 га тенглашади. У 12 га тақсимланса, ҳеч қандай қолдиқ чиқмайди, аниқроғи, «ноль» пайдо бўлади. 1959 рақами эса жадвалнинг ўн иккинчи қаторидан ўрин олган. Демак, Мучалингиз тўнғиз эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Сиз оила аъзоларингиз ва қариндош-уруғларингиз мучалларини ҳам шу асосда бемалол аниқлашингиз мумкин.**

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ**  
«ISHONCH»

# ҲАЗИЛ ҚИЛСАМ МАЙЛИМИ, АКА?

## «Жаҳон адабиёти» журнали Бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Аҳмаджон МЕЛИБОЕВнинг 80 йиллигига ҳазил-қутлов

Билганлар Аҳмаджон акани олабуқалик, дейди.  
Билмаганлар косонсойлик ё косонлик, дейди.  
Умуман билмаганлар Эллиқалъадан бўлса керак, дейди.

Билганлар Аҳмаджон аканинг асл устози Абдулазиз Ваҳобов, дейди.  
Билмаганлар Рустам Шогуломов ё Эркин Комилов, дейди.

Умуман билмаганлар Аҳмаджон Мухторов, дейди.

Билганлар Аҳмаджон ака тахрир санъати сирларини Иброҳим Ғафуровдан ўрганган, дейди.

Билмаганлар Маҳмуд Саъдий ё Эркин Авзамдан, дейди.

Умуман билмаганлар Тўлқин Қоққобоевдан, дейди.

Билганлар Аҳмаджон ака устоз Одил Ёқубовдан сўнг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасини дадил давом эттирди, дейди.

Билмаганлар Мурод Абдуллаев ё Ўқтам Мирзаёрдан кейин яна Бош муҳаррир бўлганда газета ютар эди, дейди.

Умуман билмаганлар у киши Бош муҳаррир бўлиб турганида газета ёпилмас эди, дейди.

Билганлар Аҳмаджон ака ҳозир-жавоб, давранинг гули, дейди.

Билмаганлар зиёфатда ўтирганида атрофдагиларга «Ҳайда йўғидан олинглар», деб тўғери маслаҳат беради, дейди.

Умуман билмаганлар Эркин Сиддиқовнинг оғзини пойлаб, унинг ҳангомаларига ўзидан ҳам қўшиб ёзган, дейди.

Билганлар Аҳмаджон ака собиқ Ўзкомпартия Марказий Қўмитасида ишлаб юрганида бир кун келиб, СССР албатта парчаланиб кетишини билган, дейди.

Билмаганлар билса ҳам қаттиқ сир сақлаган, дейди.

Умуман билмаганлар, Аҳмаджон ака наҳорга ошага бориб, сўнги қошиқни оғзига олиб бўлганида бу шум хабарни эшитган. Хурсанд бўлиб кетганидан давра кайвониси Олимжон Ҳакимовга яна бир лаган ош буюртма бериб юборганини билмай қолган, дейди.  
Кейин-чи, кейин бу оламшумул воқеа билан йиғлаб ўтирган Рафиқ Нишониеви мардларча табриклаган, деган мишмишлар ҳам юради.

Билганлар Аҳмаджон ака қулгининг киндигини топиб кейин ёзди, дейди.

Билмаганлар у киши ҳажев ёзишни Саид Аҳмад ё Анвар Обиджондан ўрганган, дейди.

Умуман билмаганлар Назир Сафаровдан ўрганган, дейди.

Билганлар Аҳмаджон аканинг қалами ҳам, сўзи ҳам, баъзида алами ҳам ўткир, давраларда табриклар ва қадаҳ сўзларини жуда болайди, дейди.

Билмаганлар бундай табрикларни давракаш ижодкорлар Нормурод Нарзуллаев ё Раҳимбой Жуманиёзовдан ўрганган, дейди.

Умуман билмаганлар таниқли шоир ва драматург Машраб Бобоевнинг 60 йиллигига ёзган ушбу қисқа: «Қани олдик, Бобоев, Имзо чекиб Мелибоев...» табриги «Гиннес рекордлар китоби»га киритилган, дейди.

Билганлар Аҳмаджон ака давраларда аскияда гап билан кийдиришдан ташқари, тўн билан дўппини ҳам зўр кийдиради, дейди.

Билмаганлар чуст дўппи билан бойсун дўппини адаштириб фарғоналик дўсти Муҳаммаджон Обидова кийдириб юборган, дейди.


Умуман билмаганлар бир тўйда қирғизларнинг дўпписини атайлаб Аҳрор Аҳмедовнинг ўрнига Жаббор Раззоқовга кийдириб юборган, дейди.

Билганлар Аҳмаджон акани муборак 80 ёши билан самимий табриклашмоқда.

Билмаганлар ва умуман билмаганлар биргаликда иккинчи ярим йиллик учун «Жаҳон адабиёти»га обуна бўлиш ниятида ҳайдовчилар газ қуйиш шохобчаларида ҳафталаб навбатларда турганларидек, барча почта бўлимларида ур-йиқит қилиб обуна бўлмоқдалар.

Тўйбоннинг қўллари эса қўқсида: Қани-қани, ошага марҳамат, Дейди, Мелибоев Аҳмад!

Ҳазилни оққа кўчирувчи **Ашурали Жўраев**



# «КЎЗЛАРИГА ЁҒЛАР ТЕККАН» КИТОБ

САРЛАВҲАНИ ЎҚИБ, «И-Ё, ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАРКАНМИ?» ДЕЙШИНГИЗ МҲМКИН. АҲЖАБЛАНМАНГ, БЎЛИШИ МҲМКИН ЭКАН. БУНАҚА «КЎЗЛАРИГА ЁҒЛАР ТЕККАН» КИТОБИ БИРИНЧИ МАРТА ДУЧ КЕЛЯПМАН. АГАР «ИХТИРО»ГА ОҚАТ БИР-ПИНА МИСОЛ БЎЛСА, ИНДАМАЙ КЕТАВЕРИШИМ МҲМКИН ЭДИ, АММО...

Индаллога ўтсам, бугунги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги «Адабиёт» нашриёти бир қанча атоқли адибларнинг «Танланган асарлар»ини чоп этиб келаётир. Уларнинг орасида Чингиз Айтматовдан тортиб, Носир Фозилов ҳамда Халима Худойбердиева асарларигача бор. Яқинда Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг «Танланган асарлар»и ҳам нашр қилинди. Лекин гўзал муқовалар қўзингизни қанча қувонтирса, мутолаа жараёнида нигоҳингиз тушган имловий ва бошқа хатолар дилингизни шунча ранжитади. Афтдан, нашриёт мутасаддилари нима қилиб бўлса ҳам чоп этмас, бас, деган «тамоийл» асосида ишлаётган кўринади. Акс ҳолда, китобларда кўп-лаб камчиликлар сув юзидаги кўпикдек қалқимасди.

Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан чоп этилган «Танланган асарлар»ни (Тошкент, «Адабиёт», 2024) шонининг ўғли Озоджон ака нашрга тайёрлаган. Аммо у киши келтириб берган қўлэмаларни шу томларнинг аксарига муҳаррирлик қилаётган Дилрабо Мингбоева юракдан тахрир ва таҳлил қилмаган кўринади. Бир китобда исм-шарифи Иқбола Исамухаммедова, бошқасида Иқбол Исамухаммедова деб ёзилган қизимиз ҳам масъулият ҳиссидан анча йироқ экани кўриниб турибди.

Китоб сўзбошидаёқ хатolik бор. Ўзбекистон фан атоқли Сайдулла Мирзаевнинг гапи бўлини қолган: «Сўзининг хулосасида Нормурод Нарзуллаев истеъдодли шоир эканлигини, у ҳалол меҳнати, халқ ва давлат гамхўрлиги туфайли униб-ўсган, злу юртга танилган. Кадр-қиммат топганини яна бир бор таъкидламоқчиман». (Қаранг, «Танланган асарлар», 10-бет). Олим шоир чоп эттирган китобларни санаб ўтаркан, улардан бири – «Аниқ вақт» матнда «Айни вақт» тарзида кетган. Хўлас, сўзбошининг ўзида иккита хато.

Сўнг шонининг шеърлари бошланади. Асар 1970 йилда нашр қилинган «Меҳр чашмаси» китобидан олинган туркум билан очилади. Китобнинг 83-бетидаги «Чирғим ёниқ» шеърдаги охири мисралардан бири «Ўчиб кетган илҳом қўшимни» тарзида босилган. 44-бетда берилган «Ишқингда ёниб...» газали 88-бетда такронан берилган, фақат бу гал сарлавҳага уч нуқта қўйилмаган. Бугина эмас, китобда «Севги овулида куттайман сизни» шеъри (162- ва 197-бетлар), «Остонада ой» шеъри (219, 224-бетлар) ҳам икки мартадан берилган.

122-бетдаги шеър сарлавҳаси «Арвугоннинг шаффоф ёшлари» тарзида хато берилган. «Хўжайлида бир Лайли» шеърдаги

5-банд якуни «Ёрда...» ўрнига «Ёрда нозик ишим бор» (194-бет) бўлиб кетганига, шу шеърдаги кейинги банднинг учинчи қатори «Тегмасин ёғлар қўзи» тарзида босилганига ҳеч ким эътибор қаратмагани қизиқ. Шу тариқа, китобнинг «кўзига ёғ теккан». Холбуки, «Чаман ичра» тўпламида ушбу шеър бирорга хатосиз, баяги сатрлар «Тегмасин ёғлар қўзи» тарзида тўғри чоп этилган.

299-бетдаги «Жиззах жозибаси» газалида «қўл» сўзи икки марта ишлатилганига ажабландим. Наҳотки, шоир атиги 8 байтгина газала қофия топишга қийналиб, бир сўздан икки марта фойдаланган бўлса – «Инсон қўли» ва «Олтин қўли»? Бу газалининг иккинчи қофияси аслида «олтин қўл» бўлиб, унинг тўғри шакли «Чаман ичра» китобининг 27-саҳифасида келтирилган:

Сув оқади, нур оқади, олтин қўли – бу. Озарбайжон таассуротлари асосида ёзилган шеърдаги «Йўл бошида бир чипор бор...» сатрга қўзингиз тушса, асло ҳайрон бўлманг, у асли – чинор! Албатта, қўл билан қўлнинг фарқига бормаган одам чинор билан чипор (товуқ)нинг фарқига бормиди?!

Доиранинг қуш ёки қушнинг доира бўлгани ҳақида эшитганмисиз?

«Танланган асарлар»даги 311-бетда келтирилган «Қуш доира қўшиғи» шеърини «доира қуш бўлдимики ё бу файласуф шорининг бирор афсонамикан», деб ўқисам, гап бошдан-оёқ қўш доира («дойра» эмас) ҳақида экан. Демак, шоир эмас, устмон ва тезкор ноширлар файласуф экан, «офарин!» Уларга қўш доирани қуш қилиб «ўчириб»... кечирасиз, учириб юбориш ҳеч гап эмас экан.

Жаноб ноширлар қоғозни иқтисод қилмоқчи бўлишган чоғи, қисқа бўғинли бир нечта шеърларни икки устун қилиб беришган. 364-бетдаги «Ҳазрат сабоғи» шеърининг сўнги банди саҳифага сиғмай қолган, тўрт сатрни «уриб-тиқиб» уч қаторга келтирилган. Натияжада шеърини оҳанг бузилиб, асар якуни оддий гапга ўхшаб қолган.

Китобнинг қўзига ёғ теккан бўлса, менинги кўзларимга андак афеус ёшлари қалқди.

Негадир илгари ушбу китобга асос бўлган нашрларда берилган бир қанча шеър изохлари ва улар битилган саналар келтирилмаган. Натияжада китоб мукамаллигига маълум даражада путур етган. Шоир ҳаётлигида турли йилларда босилган китобларда тўғри ва бехато, мукамал изохлари билан берилган шеърларнинг аксарии ушбу китобда хатолар ва чалқашликлар билан «қайта дунёга келган». «Танланган асарлар»да Қорабайир (қишлоқ) ҳақидаги шеърнинг изохни келтирилмагани туфайли ўқувчи унинг дастлабки мисрасини ўқиб, гап от ёки қишлоқ ҳақида бораётганини билмай иккиланиб қолади.

Бизнингча, нашриётдаги масъуллар китобни ўзлари синчиклаб кўрмаганларига яраша, уни тузувчи ва тўловчиларга ҳам кўрсатишга эринганлар. Масъулиятсизлик ва шошма-шошарликка йўл қўйганлар. Муҳарриру мусалхиллар ҳам шундай катта нашрга панжа орасидан қараганлар. Айнан шу икки салбий ҳолат ва ўзибўларчилик оқибатида, халқ шоираси Энахон Сиддиқованинг ушбу нашр билан бир вақтда босилган «Танланган асарлар»ида ҳам бир шеър икки марта босилган. Машраб газалига муҳаммасда эса, бир сўз тушиб қолган.

Шоира ҳеч қачон «Юзим ёруғ шу ел олдида», деб ёзмаган. Аммо афтдан баъзи шеърлар олдин лотин алифбосида терилгану, кириллга ўтказилганда, «ел» «эл»га айланиб қолганига ноширлар умуман эътибор беришмаган.

Хўп энди, ноширларимизни яна ранжитмаслик учун бошқа китоблардаги бундай нуқсонлар таҳлилга тўхталмаймиз. Инсоф ва диёнатни ўзларига берсин. Нашриёт ходимлари ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, маошларини оқлашлари, қолаверса, чоп этилаётган асарлар кенг омма мулкига айланишини теран ҳис қилишлари лозим. Биринчи раундда китобларнинг баъзи қисмидаги нуқсонларни кенг омма мулкига айланишини теран ҳис қилишлари лозим. Нашриёт ходимлари ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, маошларини оқлашлари, қолаверса, чоп этилаётган асарлар кенг омма мулкига айланишини теран ҳис қилишлари лозим. Биринчи раундда китобларнинг баъзи қисмидаги нуқсонларни кенг омма мулкига айланишини теран ҳис қилишлари лозим.

Акс ҳолда, бепарволик оқибатида «доира»ни «қуш»га айлантириб «учириб юбориш» адабиёт хазинасига зимдан қилинган хиёнатдир. Ушбу китоблар қутубхоналар ва таълим муассасаларига тарқатилади. Агар минглаб нусхада чоп этилган китобларда масъулиятсизлик сабаб «чинор» сўзи «чипор»га айланиб кетса, бу ачинарли ҳол, албатта.

Яна бир муҳим гап: «Танланган асарлар»нинг илк саҳифаларида тахрир хайъати аъзоси сифатида кўрсатиладиган Иброҳим Ғафуров каби забардаст адибларимизнинг нашр жараёнида амалий иштироки борми? Агар йўқ бўлса, шунчаки обрў учун уларнинг исм-шарифини қайд этиб, матнда қўпол чалқашликларга йўл қўйиш устозларимиз шаънига соя солмайди? Ҳар қандай зийрак ўқувчида: «Наҳотки тахрир хайъатининг бирорга аъзоси бу хатоларга эътироз билдирмаган бўлса?» деган ҳақли савол турғилиши табиий. Афсуски, саволлар бисёр, жавоблар эса... «Адабиёт» ва бошқа нашриётлар мутасаддилари бу ҳақли эътирозлардан тегишли хулоса чиқариб олиб, келгуси фаолиятларида, Бобур Мирзо айтганидек, «мундин бери бир нима хушёрроқ» бўладилар, деб умид қиламиз.

Икромжон АСЛИЙ, шоир

Мароқли дам олинг, азиз газетхон! Гулзода Худойназарова ижросида «ОБОДИМ ЁР» ҚЎШИҒИ Чорласайдинг, Келмасидим, ёр, Сенинг учун ўлмасидим, ёр, Дунёни терс бурмасидим, ёр?! Оромим ёр, ободим ёр, офтобим ёр...

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие») Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73 Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati – (+998-94) 888-00-27 Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrirlari: Gulomjon MIRAHMEDOV, Salim ABDURAHMONOV Musahhirlar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV Boshiga topshirish vaqti – 00:50 Topshirildi – 01:20 Bahosi kelishilgan narxda: Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz Nashr ko'rsatkichi: 133 Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 285 ta Shundan: 6 610 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turok ko'chasi, 41-uyda; 19 477 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 9 198 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq. Buyurtma: G-311 1 2 3 4 5 6